



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING QONUNI

**Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги
кодексига йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга
ҳамда жамоат транспортидан фойдаланиш самарадорлигини
оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил 14 январда
қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 17 мартда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда йўл ҳаракати қоидаларини янада такомиллаштириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини назорат қилиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини тротуарлардан, пиёдалар йўлкаларидан, велосипед йўлкаларидан ва яшил майдонлардан юргизганлиги, йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатига тўсқинлик қилувчи ноқонуний тўсиқлар ва бошқа қурилмалар ўрнатилганлиги, шунингдек йўналишли транспорт воситалари учун алоҳида ажратилган тасмаси бор йўлдан бошқа транспорт воситалари ҳаракатланганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгилаш зарурияти юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини тротуарлардан, пиёдалар ва велосипед йўлкаларидан ҳамда уларга туташ ҳудудларда барпо этилган яшил майдонлардан юргизганлиги, йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатига тўсқинлик қилувчи ноқонуний тўсиқлар ва бошқа қурилмалар ўрнатилганлиги, шунингдек йўналишли транспорт воситалари учун алоҳида ажратилган тасмаси бор йўлдан транспорт воситалари ҳаракатланганлиги билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу Қонун йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга, йўлларда жамоат транспорти ҳаракатланиши учун қўшимча қулайликлар яратилишига хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар, № 7, 629-модда, № 8, 826, 829, 831-моддалар, № 9, 954, 964, 965-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1078, 1083, 1084-моддалар, № 11, 1187, 1188, 1189-моддалар, № 12, 1279, 1280, 1282,

1286, 1287-моддалар) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **128-моддасининг номи ва диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«128-модда. Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини тротуарлардан, пиёдалар ва велосипед йўлчаларидан, яшил майдонлардан юргизиши, йўл белгилари ва йўл ҳаракатининг бошқа қоидалари талабларига риоя этмаслиги

Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини тротуарлардан, пиёдалар йўлчаларидан, велосипед йўлчаларидан, пиёдалар ва велосипед йўлчаларидан, уларга туташ ҳудудларда барпо этилган яшил майдонлардан (бундан махсус автотранспорт воситалари мустасно) юргизиши, йўл белгилари ёки йўлнинг қатнов қисмидаги чизиқлар билан белгилаб қўйилган талабларга риоя этмаслиги (бундан ушбу Кодекснинг 128³-моддасида, 128⁴-моддасининг биринчи қисмида, 128⁵, 128⁶, 128⁷ ва 130-моддаларида назарда тутилган ҳоллар мустасно), юк автомобилларида йўлнинг четки чап қаторида ҳаракатланиши (бундан рухсат этилган ҳоллар мустасно), йўналишли транспорт воситалари тўхтайдиган бекатлардан ёки пиёдалар ўтиш жойларидан юриш, ташқи ёритиш асбобларидан фойдаланиш қоидаларини бузиши, худди шунингдек йўловчиларга ёки пиёдаларга лойқа сачратиши»;

2) қуйидаги мазмундаги **128⁷-модда** билан тўлдирилсин:

«128⁷-модда. Йўналишли транспорт воситалари учун алоҳида ажратилган тасмаси бор йўлдан транспорт воситаларининг ҳаракатланиши

Йўналишли транспорт воситалари учун алоҳида ажратилган тасмаси бор йўлдан транспорт воситаларининг ҳаракатланиши (бундан рухсат этилган ҳоллар мустасно), –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

3) **147-модданинг биринчи қисми** «уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиқлар яратиш» деган сўзлардан кейин «шу жумладан йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатига тўсқинлик қилувчи ноқонуний тўсиқларни ва бошқа қурилмаларни ўрнатиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **248-модда:**

биринчи қисмидаги «128⁶» рақами «128⁶, 128⁷» рақамлари билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг:

5-бандидаги «128⁶» рақами «128⁶, 128⁷» рақамлари билан алмаштирилсин;

6-бандидаги «128⁶» рақами «128⁶, 128⁷» рақамлари билан алмаштирилсин;

7-бандидаги «128⁴» рақами «128⁴, 128⁷» рақамлари билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри,
2025 йил 10 апрель
№ ЎРҚ–1055



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING QONUNI

О внесении изменений и дополнений в Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности, направленных на обеспечение безопасности движения на дорогах и повышение эффективности использования общественного транспорта

Принят Законодательной палатой 14 января 2025 года
Одобен Сенатом 17 марта 2025 года

В последние годы в нашей стране проводятся широкомасштабные работы по дальнейшему совершенствованию правил дорожного движения, предотвращению дорожно-транспортных происшествий и контролю за безопасностью дорожного движения.

Вместе с тем возникает необходимость установления административной ответственности за вождение водителями транспортных средств по тротуарам, пешеходным дорожкам, велосипедным дорожкам и зеленым площадям, за установку незаконных заграждений и иных устройств, препятствующих движению участников дорожного движения, а также за движение других транспортных средств по дороге с отдельно выделенной полосой для маршрутных транспортных средств.

Настоящим Законом в Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности вносятся изменения и дополнения, предусматривающие установление административной ответственности за правонарушения, связанные с вождением водителями транспортных средств по тротуарам, пешеходным и велосипедным дорожкам и созданным на прилегающих к ним территориях зеленым площадям, установкой незаконных заграждений и иных устройств, препятствующих движению участников дорожного движения, а также движением транспортных средств по дороге с отдельно выделенной полосой для маршрутных транспортных средств.

Настоящий Закон послужит обеспечению безопасности дорожного движения, предотвращению дорожно-транспортных происшествий, созданию дополнительных удобств для передвижения общественного транспорта на дорогах.

Статья 1. Внести в Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности, утвержденный Законом Республики Узбекистан от 22 сентября 1994 года № 2015–XII (Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан, 1995 г., № 3, ст. 6; Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1995 г., № 9, ст. 193, № 12, ст. 269; 1996 г., № 5–6, ст. 69, № 9, ст. 144; 1997 г., № 2, ст. 56, № 4–5, ст. 126, № 9, ст. 241; 1998 г., № 3, ст. 38, № 5–6, ст. 102, № 9, ст. 181; 1999 г., № 1, ст. 20, № 5, ст. 124, № 9, ст. 229; 2000 г., № 5–6, ст. 153, № 7–8, ст. 217; 2001 г., № 1–2, ст. 23, № 9–10, ст.ст. 165, 182; 2002 г., № 1, ст. 20, № 9, ст. 165; 2003 г., № 1, ст. 8, № 5, ст. 67, № 9–10, ст. 149; 2004 г., № 1–2, ст. 18, № 5, ст. 90, № 9, ст. 171; 2005 г., № 1, ст. 18; Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2005 г., № 9, ст. 312, № 12, ст.ст. 413, 417, 418; 2006 г., № 6, ст. 261, № 9, ст. 498, № 10, ст. 536, № 12, ст.ст. 656, 659; 2007 г., № 4, ст.ст. 158, 159, 164, 165, № 9, ст.ст. 416, 421, № 12, ст.ст. 596, 604, 607; 2008 г., № 4, ст.ст. 181, 189, 192, № 9, ст.ст. 486, 488, № 12, ст.ст. 640, 641; 2009 г., № 1, ст. 1, № 9, ст.ст. 334, 335, 337, № 10, ст. 380, № 12, ст.ст. 462, 468, 470, 472, 474; 2010 г., № 5, ст.ст. 175, 179, № 6, ст. 231, № 9, ст.ст. 335, 339, 341, № 10, ст. 380, № 12, ст.ст. 468, 473, 474; 2011 г., № 1, ст. 1, № 4, ст.ст. 104, 105, № 9, ст.ст. 247, 252, № 12/2, ст. 365; 2012 г., № 4, ст. 108, № 9/1, ст. 242, № 12, ст. 336; 2013 г., № 4, ст. 98, № 10, ст. 263; 2014 г., № 1, ст. 2, № 5, ст. 130, № 9, ст. 244, № 12, ст.ст. 341, 343; 2015 г., № 6, ст. 228, № 8, ст.ст. 310, 312, № 12, ст. 452; 2016 г., № 1, ст. 2, № 4, ст. 125, № 9, ст. 276, № 12, ст.ст. 383, 385; 2017 г., № 4, ст. 137, № 6, ст. 300, № 9, ст. 510, № 10, ст. 605; 2018 г., № 1, ст.ст. 1, 4, 5, № 4, ст. 224, № 7, ст.ст. 430, 431, 432, № 10, ст.ст. 671, 673, 679; 2019 г., № 1, ст.ст. 1, 3, 5, № 2, ст. 47, № 3, ст.ст. 161, 165, 166, № 5, ст.ст. 259, 261, 267, 268, № 7, ст. 386, № 8, ст.ст. 469, 471, № 9, ст.ст. 591, 592, № 10, ст.ст. 674, 676, № 11, ст.ст. 787, 791, № 12, ст.ст. 880, 891; 2020 г., № 1, ст. 4, № 3, ст.ст. 203, 204, № 7, ст. 449, № 9, ст.ст. 539, 540, № 10, ст.ст. 593, 596, № 11, ст. 651, № 12, ст. 691; 2021 г., № 1, ст.ст. 5, 7, 12, 13, 14, № 2, ст. 142, № 3, ст. 217, № 4, ст.ст. 290, 293, приложение к № 4, № 8, ст.ст. 800, 802, 803, № 9, ст. 903, № 10, ст.ст. 966, 967, 968, 973, № 11, ст. 1066; 2022 г., № 1, ст.ст. 1, 2, № 2, ст.ст. 80, 81, № 3, ст.ст. 215, 216, № 4, ст. 337, № 5, ст.ст. 464, 465, 466, 467, № 8, ст. 787, № 10, ст.ст. 981, 984, № 12, ст. 1188; 2023 г., № 3, ст.ст. 184, 185, 188, 189, № 4, ст.ст. 265, 266, 268, № 5, ст.ст. 319, 320, № 7, ст.ст. 533, 534, 535, 537, 539, № 8, ст. 634, № 10, ст. 798, № 11, ст.ст. 921, 923, 924, № 12, ст. 1004; 2024 г., № 1, ст.ст. 5, 7, 8, 9, № 2, ст.ст. 102, 111, 115, 116, № 3, ст.ст. 243, 245, № 6, ст.ст. 530, 532, № 7, ст. 629, № 8, ст.ст. 826, 829, 831, № 9, ст.ст. 954, 964, 965, № 10, ст.ст. 1070, 1071, 1073, 1077, 1078, 1083, 1084, № 11, ст.ст. 1187, 1188, 1189, № 12, ст.ст. 1279, 1280, 1282, 1286, 1287), следующие изменения и дополнения:

1) **наименование и диспозицию статьи 128** изложить в следующей редакции:

«Статья 128. Вождение водителями транспортных средств по тротуарам, пешеходным и велосипедным дорожкам, зеленым площадям, несоблюдение ими требований дорожных знаков и других правил дорожного движения

Вождение водителями транспортных средств по тротуарам, пешеходным дорожкам, велосипедным дорожкам, пешеходным и велосипедным дорожкам, созданным на прилегающих к ним территориях зеленым площадям (за исключением специальных автотранспортных средств), несоблюдение ими требований, предписанных дорожными знаками или разметкой проезжей части дороги (за исключением случаев, предусмотренных статьей 128³, частью первой статьи 128⁴, статьями 128⁵, 128⁶, 128⁷ и 130 настоящего Кодекса), движение грузовых автомобилей по крайней левой полосе дороги (за исключением разрешенных случаев), нарушение правил проезда остановок маршрутных транспортных средств или пешеходных переходов, пользования внешними световыми приборами, а равно забрызгивание грязью пассажиров или пешеходов»;

2) дополнить **статьей 128⁷** следующего содержания:

«Статья 128⁷. Движение транспортных средств по дороге с отдельно выделенной полосой для маршрутных транспортных средств

Движение транспортных средств по дороге с отдельно выделенной полосой для маршрутных транспортных средств (за исключением разрешенных случаев) –

влечет наложение штрафа в сумме одной базовой расчетной величины.

Совершение одного и того же правонарушения, предусмотренного в части первой настоящей статьи, повторно в течение года после применения административного взыскания –

влечет наложение штрафа в сумме трех базовых расчетных величин»;

3) **часть первую статьи 147** после слов «возведение на них искусственных неровностей и препятствий» дополнить словами «в том числе установка незаконных заграждений и иных устройств, препятствующих движению участников дорожного движения»;

4) в **статье 248**:

в **части первой** цифру «128⁶» заменить цифрами «128⁶, 128⁷»;

в **части второй**:

в **пункте 5** цифру «128⁶» заменить цифрами «128⁶, 128⁷»;

в **пункте 6** цифру «128⁶» заменить цифрами «128⁶, 128⁷»;

в **пункте 7** цифру «128⁴» заменить цифрами «128⁴, 128⁷».

Статья 2. Министерству внутренних дел Республики Узбекистан и другим заинтересованным организациям обеспечить исполнение, доведение до исполнителей и разъяснение среди населения сути и значения настоящего Закона.

Статья 3. Кабинету Министров Республики Узбекистан:
привести решения правительства в соответствие с настоящим Законом;
обеспечить пересмотр и отмену республиканскими органами исполнительной власти их нормативно-правовых актов, противоречащих настоящему Закону.

Статья 4. Настоящий Закон вступает в силу со дня его официального опубликования.

**Президент
Республики Узбекистан**



Ш. Мирзиёев

город Ташкент,
10 апреля 2025 года
№ ЗРУ–1055